

«Тошкентдонмахсулотлари» акциядорлик жамияти
акциядорларининг 2019 йил 21 майдаги
йиллик умумий йигилиш карори билан

ТАСДИКЛАНГАН

Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш түгрисида
НИЗОМ

1-боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун. 2015 йил 31 декабрдаги Акциядорлик жамиятлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш комиссиясининг 9-сонли йигилиш баёни билан тасдиқланган Корпоратив бошқарув кодекси, шунингдек бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва локал актларга мувофиқ жамиятнинг Кузатув кенгаши, Тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари ўз вазифа ҳамда мажбуриятларини бажарганлиги учун моддий рағбатлантириш тартиби ва шартларини белгилайди.

3. Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини моддий рағбатлантириш қўйидаги шаклларда амалга оширилади:

- асосий (ойлик) рағбатлантириш;
- молиявий ҳисобот йилидаги жамиятнинг фаолият якунлари бўйича қўшимча рағбатлантириш;
- харажатларни коплаш.

4. Рағбатлантириш деганда Кузатув кенгаши ҳамда Тафтиш комиссияси аъзоларига ўз вазифа ва мажбуриятларини бажарганлиги учун пуллик тўловлар тушунилади.

5. Рағбатлантириш ва қоплаш тўловлари жамият томонидан пул шаклида амалга оширилади.

6. Жамиятнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари ўз вазифа ва мажбуриятларини бажарганлиги бўйича рағбатлантириш ва харажатларни коплаш билан боғлик харажатлар жамиятнинг йиллик бизнес режасининг смета харажати кисмига киритилади.

7. Мазкур Низом билан белгилangan йил якуни бўйича қўшимча рағбатлантиришини тўлаш жамият акциядорларининг йиллик умумий йигилишида жамият фаолияти якуни тасдиқланганидан сўнг амалга оширилади. Бунда, жамиятнинг соф фойда кўрсаткичлари бажарилишининг натижаси Бизнес-режа билан белгилangan параметрга нисбатан камида 100 фоизни ташкил этиши шарт. Шунингдек, жамият фаолиятининг корпоратив бошқарув тизимининг мустақил баҳолаш натижаси камида қониқарли бўлиши шарт.

Бунда, бўлиб ўтган йигилишнинг 50 фоиздан ортигидан (сайлангандан бошлаб тўловларни амалга ошириш даври тугагунига қадар) узурли сабабларсиз катнашмаган Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига қўшимча рағбатлантириш амалга оширилмайди.

8. Қўшимча рағбатлантириш учун тўловни ҳисоблаш даври корпоратив йил ҳисобланади. Мазкур Низомда белгилangan тартибда Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларига қўшимча рағбатлантириш миқдорини ҳисоблаш мақсадида корпоратив йил деганда, жамият акциядорларининг йиллик умумий йигилишида ушбу органлар аъзоларининг сайланган кунидан бошлаб ва тегишли органнинг Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоси ваколатини (муддатидан олдин) бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинган йигилишнинг санаси билан тутагилган давр тушунилади.

9. Агар корпоратив йил давомида Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари ваколатини бекор қилиш ҳамда янги аъзоларини ушбу органларга сайлаш масаласи бўйича бир ва ундан кўпроқ акциядорларнинг умумий йигилишлари ва Кузатув кенгаши йигилишлари ўтказилган бўлса, кўрсатиб ўтилган органларнинг хар бир аъзосини қўшимча рағбатлантириш ҳисоб-китоби ўз функция ва мажбуриятларини бажарган даврига мувофиқ амалга оширилади.

10. Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари йиллик рағбатлантириш миқдори жамият акциядорларининг умумий йигилиши қарорига мувофиқ ўзгартирилиши мумкин. Жамият фаолияти самарадорлиги ва бизнес режа кўрсаткичларининг бажарилишига кўра, жамият акциядорларининг умумий йигилишида Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини белгилangan миқдордан юкори қўшимча (йиллик) рағбатлантириш тўғрисидаги қарор қабул килинини мумкин.

11. Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларининг ўз функция ва мажбуриятларини бажаришда сарфлаган харажатлари тақдим этилган тегишли хужжатлар асосида қопланиши (тўланиши) зарур.

12. Агар Кузатув кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзолари ўтказилган йигилишларнинг камидаги 75 фоизида қатнашган бўлса, унинг қўшимча рағбатлантириш суммаси 25 фоизга камаяди.

2-боб. Кузатув кенгаши аъзоларига рағбатлантириши тўлаш тартиби

13. Ўз функция ва мажбуриятларини бажарганилиги учун Кузатув кенгаши аъзоларига (Кузатув кенгаши 1 нафар аъзоси ҳисобидан) асосий (ойлик) рағбатлантириш миқдори қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- Кузатув кенгаши ғаисига ва котибига ҳар ойда жамиятда белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 7 баробари миқдорида (рағбатлантиришни тўлаш санасига);

- Кузатув кенгаши аъзосига ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 6 баробари миқдорида (рағбатлантиришни тўлаш санасига).

14. Молия хисобот йилида ўз функция ва мажбуриятларини бажарганилиги учун Кузатув кенгаши аъзоларига (Кузатув кенгаши 1 нафар аъзоси ҳисобидан) жамиятнинг йил якунлари бўйича қўшимча рағбатлантириш миқдори қўйидаги тартибда амалга оширилади:

- Кузатув кенгаши ғаисига ва котибига - асосий ойлик рағбатлантириш суммасини (энг кам ойлик иш ҳақининг 7 баробаригача) Кузатув кенгаши ғаиси сифатида амалда ишлаган даврига (ойларга) кўпайтирган ҳолда;

- Кузатув кенгаши аъзосига - асосий ойлик рағбатлантириш суммасини (энг кам ойлик иш ҳақининг 6 баробаригача) Кузатув кенгаши аъзоси сифатида амалда ишлаган даврига (ойларга) кўпайтирган ҳолда.

3-боб. Тафтиш комиссияси аъзоларига рағбатлантириш суммаларини тўлаш тартиби

15. Ўз функция ва мажбуриятларини бажарганилиги учун Тафтиш комиссияси аъзоларига (Тафтиш комиссияси 1 нафар аъзоси ҳисобидан) асосий (ойлик) рағбатлантириш ҳар ойда Ўзбекистон Республикасида тўланадиган энг кам ойлик иш ҳақининг 3 бароробари миқдорида (рағбатлантиришни тўлаш санасига) амалга оширилади.

16. Молиявий хисобот йилида ўз функция ва мажбуриятларини бажарганилиги учун Тафтиш комиссияси аъзоларига (Тафтиш комиссияси 1 нафар аъзоси ҳисобидан) жамиятнинг йил якунлари бўйича қўшимча рағбатлантириш миқдори асосий ойлик рағбатлантириш суммасини (энг кам ойлик иш ҳақининг 3 баробаригача) Тафтиш комиссияси аъзоси сифатида амалда ишлаган даврига (ойларга) кўпайтирган ҳолда амалга оширилади.

4-боб. Якуний қондалар

17. Мазкур Низом жамият акциядорларининг умумий йигилишида тасдиқланиб; иштирок этаётган акциядорларнинг оддий кўпчилик овози билан тасдиқлангандан сўнг кучга киради.

18. Мазкур Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар Кузатув кенгашининг тақдимномасига биноан жамият акциядорларининг умумий йигилиши томонидан киритилади.